



МАШИНАСОЗЛИК КЛАСТЕР УСУЛИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни машинасозлик саноатидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Саноатнинг барча тармоқларида бўлгани каби автомобилсозликда ҳам трансформация жараёни кетмоқда. Сўнгги тўрт йилда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга, тармоқ экспорти эса 2,7 баробарга ошган. Хорижий компаниялар иштирокида янги корхоналар ташкил этилиб, 2 минг 600 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

“UzAuto Motors” компанияси “Fitch Ratings” ҳамда “Standard & Poor’s” халқаро агентликларининг “барқарор” кредит рейтингларини олиб, жаҳон молия бозорига илк бор 300 миллион долларлик евробонд жойлаштирди.

Лекин бу тармоқ ҳали истеъмолчилар талабини тўлиқ қаноатлантиролмапти.

Шу боис, Тараққиёт стратегиясида автомобиль саноатида кооперациони янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсади белгиланган.

Йиғилишда бунга эришиш йўлидаги жорий йилги вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, аҳоли талабларига эътибор қаратди. Автомобиллар учун олдиндан тўлов миқдорини 85 фоиздан 50 фоизга пасайтириш ва 1 майга қадар автомобиль сотиб олишдаги навбатларни тўлиқ бартараф этишга кўрсатма берди. Ҳозирги кунда навбатда турган харидорларга автомобили етказиб бериладиган аниқ сана кўрсатилган хабарнома йўлланади.

Ички талабни қондириш мақсадида биринчи ярим йилликда 160 мингта, йил якунига

қадар 275 мингта автомобиль ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди.

Бозорда таклифни ошириб, халқимизга танлаш имкониятини яратиш мақсадида импорт автомобиллар учун божхона божи ставкаларини 2 баробарга пасайтириш бўйича ҳукуматга топшириқ берилди.

Жорий йилда 23 та лойиҳа доирасида 600 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни узлаштириш мўлжалланган. Натижада маҳаллийлаштириш даражаси 48 фоиздан 56 фоизга чиқади. Шунингдек, 336 миллион доллар инвестиция эвазига иккита янги автомобиль модели ва замонавий двигател ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Йиғилишда тармоқнинг экспорт режалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз бу режалар мавжуд имкониятларга нисбатан камлигини таъкидлаб, янги бозорларга чиқиш бўйича тавсиялар берди. Хусусан, йирик савдо тармоқлари орқали бутловчи қисмлар сотишни кенгайтириш ҳисобига 2022 йилда экспорт ҳажмини камида 500 миллион долларга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари машинасозлик тармоғини саноат кластери усулида ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу тизим “инжиниринг — бутловчи қисмлар — тайёр маҳсулот — савдо ва сервис” занжирини қамраб олади. 8 та машинасозлик корхонаси, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 300 дан зиёд корхона, логистика, ички ва ташқи бозорлардаги савдо ва сервис тармоғи,

Турин политехника ва Андижон машинасозлик институтларини умумий мақсад йўлида бирлаштиради.

Шундан келиб чиқиб, ҳукуматга “миллий машинасозлик кластери” дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, жаҳонда электромобиллар ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бормоқда. 2021 йилда бундай машиналар улуши автомобиль бозорига 2 баробарга ўсган.

Президент бу соҳада ортда қолмаслик учун ҳозирдан ҳаракат бошлаш кераклигини таъкидлади. Бу борадаги техник талаб ва стандартлар, маҳаллийлаштириш масалаларини иноватга олган ҳолда, электромобиль тармоғини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йўналишда Чирчиқ шаҳрида кластер ташкил этилиши белгиланган. Бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилган. “Техно-лог” акциядорлик жамияти ва Агрегат заводиданги ускуналарни Чирчиққа кўчириш бошланган.

Ўшбу кластерни 2023 йилдан тўлиқ ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни 2 баробарга ошириб, уларнинг таннарихини 12 фоизга камайтириш, экспортни 15 миллион долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ОЧИҚЛИК, АДОЛАТ ВА НАТИЖАДОРЛИККА
АСОСЛАНГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР
ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА



Ўзбекистон кенг қамровли ва шиддатли ислохотлар даврини бошдан кечирамоқда. Атиги беш йил олдин ҳатто ўйлаш ҳам мумкин бўлмаган нарсалар бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги халқимиз кечагидан тубдан фарқ қилади — сиёсий онг, ҳаётга муносабат, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эл-юрт ривожига дахлдорлик масъулиятини англаб етишда бугун биз буткул бошқамиз.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

УЛУҒ АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИ ЖАҲОН УЧУН ҲИДОЯТ МАЁҒИДИР

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.
Аллоҳ таолога беҳисоб шукрки, юртимиз тараққиётининг янги даврида буюк мутафаккирлар меросини асраб-авайлаш, тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш ишлари кенг жаҳада амалга оширилмоқда. Айниқса, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Муин Насафий ва

Маҳмуд Замахшарий сингари табаррук зотларнинг асарлари нафақат минтақамиз, балки бутун мусулмон дунёси учун ҳидоят маёғидир. Шу боис, уларнинг илмий меросини, қолдирган битикларини ўрганиш ва келажақ авлодга етказиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан саналади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ВА ҚИШКИ ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, шунингдек, ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни пул мукофотлари билан рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қуйидаги миқдорда **бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади**:

олтин медаль учун — 200 000 АҚШ доллари;
кумуш медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;
бронза медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;
б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида республика ҳудудига ўтказилаётган спорт мусобақалари, ўқув-машғулотлар йиғинларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича терма жамоа аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун **виолетлараро йўналишлар бўйича** (темир йўл ва авиачипта) транспорт харажатларига 2022 йил 1 мартдан 2024 йил 1 сентябрга қадар **чеғирмалар жорий этсин**.

3. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига

Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) томонидан белгиланган ҳомий ташкилотларнинг:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқи учун лицензияни қўлга кириштишга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **ҳомийлик хайрия ёрдами**ни кўрсатиш;

ҳомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратилган маблағларни Республика комиссияси томонидан **тасдиқланган режа-графика асосан тўлаб бориш**;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерация (ассоциация)ларига ажратилган пул маблағларидан **оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилганлиги** ҳақида **ҳар чоракда** уларнинг ҳисоботини эшитиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

Ҳомий ташкилотларнинг тегишли бошқарув органлари бир ой муддатда ҳомийлик хайрия ёрдами сифатида ажратилган маблағларни тасдиқланган режа-графика асосан тўлаб бориш тўғрисида қарорларни қабул қилсин, ажратилган пул маблағларидан **оқилона, тежамкор, самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсин**, натижалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилсин.

Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун МАХСУС

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси БМТ Бош Ассамблеясида тақдим этилди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Бош котиб Антониу Гутерриш томонидан тақдим қилинган “Умумий кун тартибимиз” маърузасидаги тавсияларни муҳокама қилишга бағишланган БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи маслаҳатлашувлари бошланди.



Бош котибнинг маърузаси 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга жадал тарзда тўлиқ татбиқ этиш бўйича халқаро сайёҳ-ҳаракатларни фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатлар дастуридир. Ушбу ҳужжатда БМТ раҳбарининг глобал ҳамкорлик келажаги ва инклюзив кўп томонлама фаолиятни жадаллаштиришга оид стратегик қарашлари акс эттирилган.

Тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси раиси Аҳмад Шаҳид, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг доимий вакиллари иштирок этди.

БМТ Бош котиби 2021 йил сентябрь ойида “Умумий кун тартибимиз” маърузасининг тақдимоти чоғида айтган баёнотини яна бир бор эслатди: дунё кескинлигининг кучайиши, атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, иқлим тартибсизлиги билан боғлиқ ҳалокатли сценарий ёки хавфсиз ва тинч келажаққа эришиш имкониятини танлаш бўсағасида турибди.

БМТ раҳбари жорий йил сентябрь ойида таълим тизимини ўзгартириш бўйича саммит қақариш ниятида эканини маълум қилди. Унинг сўзларига қўра, пандемия арафасида 260 миллиондан ортиқ бола мактабга бориш имкониятига эга бўлмаган ва ривожланаётган мамлакатлардаги 10 ёшли болаларнинг ярми ҳатто оддий жумлаларни ҳам ўқий олмаган. Таълимдаги инқироз ҳолати халқаро ҳамжамиятнинг устувор эътиборини талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов анжуман иштирокчиларини 2022-2026 йилларга мўлжалланган

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти билан таништирди. Мазкур ҳужжат БМТ Бош котибининг “Умумий кун тартибимиз” дастурий ҳужжати мақсад ва вазифаларига мос келиши таъкидланди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқ фаровонлигини янада юксалтириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли ва узоқни кўзланган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчил давом эттирилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналишни қамраб олгани таъкидланди. Инсон кадрини юксалтириш, адолат ва қонунийлик тамойилларини мустақамлаш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Стратегияда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақомиллаштириш, уларнинг маънавий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, сифатли таълим олиш ва бандлигини таъминлаш кўзда тутилгани маълум қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТ ва ушбу халқаро ташкилотга аъзо давлатлар билан барқарор ва инклюзив келажақни барпо этиш мақсадида Барқарор ривожланиш мақсадлари, жумладан, “Умумий кун тартибимиз” ҳаракат дастурини муваффақиятли амалга оширишда яқин ҳамкорлик қилишга содиқлиги тасдиқланди.

“Дунё” АА

Нью-Йорк

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ВА ҚИШКИ ОЛИМПИА
ВА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН
ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (А.Арипов, А.Абдухакимов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш жараёнида юқори кўрсаткичларни қайд этган ҳомий ташкилотларни мукофотлаш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда тақдир қилсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон қарори билан тасдиқланган 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш дастурида спортнинг дзюдо, тазквондо (WT), оғир атлетика, спорт курашлари, стол тенниси турларини ривожлантириш бўйича вазифа белгиланган.

Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда:

МУНОСАБАТ

Бошланиши 1-бетда

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Янги Ўзбекистонда кўп асрлик ноёб ва нодир асарларни сақлаш, халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, беназир зотларнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, ҳаётга таътиқ этиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириллаётди.

Ҳаёт давом этар экан, бу соҳада янги-янги талаблар кун тартибига қўйилиши табиий. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва таътиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу ҳаётий зарурат нуқтаи назаридан қабул қилинган тарихий, муҳим ҳужжат саналади. Ушбу қарорнинг эълон қилиниши маърифатли халқимизни, хусусан, дин пешволарини ҳам чексиз мамнун этди. Унда белгиланган вазифалар буюк аждодларимиз асарларини янада теран англаб етишга, ёш авлоднинг ана шундай ҳикматлар асосида камол топишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш сари ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлади, иншааллоҳ.

Ислом динида келажак авлодга илм-маърифат ва маънавият қолдиришнинг ажри улуг, инсон вафотидан кейин ҳам амал дафтарига ёзилиб турадиган иш сифатида кўп бор ифода қилинган. Ҳазрати Расулимиз алайҳиссалом айтди: “Инсон дунёдан ўтганида унинг барча амаллари тўхтайдми, аммо уч амали борки, улар ҳаргиз тўхтамайди. Бу амаллар — садақай жория, манфаатли илм ҳамда солиҳ фарзанд” (Имом Бухорий ривояти).

Садақай жория — инсонлар ҳар доим ундан манфаат топадиган иш, савоби доимо оқиб турадиган амалдир. Масалан, халқ қорига ярайдиган йўл, кўприк, мактаб, шифохона, масжид, мадраса ва турли илм даргоҳларини барпо этиш кабилардир. Шу жумладан, нодир қўлзма ва тошбосма китобларни асраб-авайлаш, таътиқ қилиш ва халқимизга етказиш ҳамда

бу жараёнга рақамли технологияларни жорий этиш айна садақай жория ҳуқида бўлади.

Бизнинг заминда Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Қусам ибн Аббос каби кўплаб улуг инсонлар абадий қўним топан. Қуръони каримнинг энг қадимги юзлаб нусхалари сақлаиб келинади, ислом цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган олимларнинг нодир манбалари асраб-авайланмоқда.

Мазкур қарор шу жиҳатдан ҳам янада муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат томонидан аждодлар меросини ўрганиш, уларни кейинги авлодга етказиш борасида қилинаётган мазкур амалий ишлар таҳсинга сазовор. Зеро, бу диёрдан нафақат ислом илмлари бўйича улаомлар, балки аниқ ва табиий фанлар бўйича Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб олимларни санаб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси китоб фонди ҳам энг нодир маънавий хазиналардан бири бўлиб, унда 3 минг жилд қўлзма, 17 минг жилд тошбосма китоблар мавжуд. Энг ноёб қўлзмалардан — “Ҳазрати Усмон Мухаффи” ва “Катта Лангар Қуръони” қадимий ва табаррук манбалар ҳисобланади. Яна фондимида Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Жалолиддин Румий, Заҳриддин Мухаммад Бобур ва бошқа мутафаккирларнинг қўлзма асарлари сақланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли қўлида эъзозлаб сақланаётган ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, лекин давлат томонидан рўйхат-

ди. Бу эса нафақат юртдошларимизга, балки бутун жаҳон оммасига мамлакатимизнинг бой илмий мероси билан танишиш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради.

Қарордаги яна бир муҳим жиҳат, музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларни муҳимлигига қўра, халқчил тилда босқичма-босқич нашр этишнинг йўлга қўйилишидир. Ноширлик ишлари жадаллашиб, музейлар, кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган асарлар оддий тилда чоп этилиб, аҳолига тақдим қилинади. Бу эса шубҳасиз, халқимизнинг билими юксалишига, ёшларни таълим-тарбияли қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшади.

Албатта, бу каби ишларни малакали мутахассисларсиз қилиб бўлмайди. Мазкур қарор билан кадрлар масаласи ҳам ўз ечимини топмоқда. Унга қўра, 2022-2023 ўқув йилидан жами 4 та олий таълим муассасасида “Матншунослик ва адабий манбашунослик” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш ишлари жадаллаштирилади.

Ушбу ҳужжатда белгиланган яна бир долзарб вазифа хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириш орқали аҳоли ва турли фондларда сақланаётган аждодларимиз қаламига мансуб қадимий ёзма манбаларнинг рўйхатини ва электрон нусхаларини аниқлаш, юртимизга олиб келиш чораларининг қўрилишидир.

Дастлабки маълумотларга қўра, “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлзма асарлар реестри”-

“**ИСЛОМ ДИНИДА КЕЛАЖАК АВЛОДГА ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ ҚОЛДИРИШНИНГ АЖРИ УЛУҒ, ИНСОН ВАФОТИДАН КЕЙИН ҲАМ АМАЛ ДАФТАРИГА ЁЗИЛИБ ТУРАДИГАН ИШ СИФАТИДА КЎП БОР ИФОДАЛАНГАН. ҲАЗРАТИ РАСУЛИМИЗ АЛАЙҲИССАЛОМ АЙТАДИЛАР: “ИНСОН ДУНЁДАН ЎТГАНИДА УНИНГ БАРЧА АМАЛЛАРИ ТЎХТАЙДИ, АММО УЧ АМАЛИ БОРКИ, УЛАР ҲАРГИЗ ТЎХТАМАЙДИ. БУ АМАЛЛАР — САДАҚАЙ ЖОРИЯ, МАНФААТЛИ ИЛМ ҲАМДА СОЛИҲ ФАРЗАНД” (ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТИ).**

га олинмаган қўлзмалар ва қадимий босма китоблар сони биз ўйлагандан-да зиёдадир.

Шу каби бой меросни ўрганиш ва кенг ёйиш олдимизда турган долзарб вазифа. Буни ҳал этиш учун замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш бугунги кун талабидир. Шу боис, мазкур қарорда бу жараёнга рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, қадимий ёзма манбаларнинг давлат реестрини ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Хусусан, қарорда буюк алломаларнинг илмий меросини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оммалаштириш, улар тўғрисидаги маълумотларни замонавий усуллар орқали етказиш мақсадида Интернет тармоғида илмий-маърифий портал ва унинг мобиль иловаси ишга туширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, мутафаккирлар ҳаёти, илмий мероси ҳақидаги маълумотлар, улар фаолиятига оид китобларнинг электрон нусхалари, фильмлар ҳамда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган бошқа турдаги маълумотлар ҳам мазкур порталга жойлаштирилиши унинг аҳамиятини янада ошира-

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини саралаш ва тайёрлаш дастури;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўрувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингенти;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базалари рўйхати;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби ҳамда комиссия тўғрисида низом тасдиқлашиши;

Лос-Анджелес шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун талабгорлар ўртасида аёл спортчи-

лар улушини ошириш, спортчиларни саралаш ва тайёрлашда гендер тенглигини таъминлаш;

спорт фармакологияси, психологияси, тиббиёти ва диетологиясини такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А.Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раиси Р.М.Шаабдурахманов ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси М.М.Ташходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 14 февраль


ЭЪТИРОФ

Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори санъат, маданият аҳли узоқ кутган, соҳа ходимларининг дилидан тилига чиққан оламшумул бир ҳужжат бўлди. Зеро, шу пайтгача соҳага оид бундай қарор қабул қилинмаган, шунча миқдордаги маблағ ҳам йўналтирилган эмас эди. Бир йил учун бу жуда катта сармоя, албатта.

МАДАНИЯТ, САНЪАТ АҲЛИНИНГ
КЎНГЛИДАГИ ҚАРОРҒуломжон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

Ёш санъаткорлар, ижодкорларга бундай эътибор бўлмаган ҳали. Энди юрагида умид учқунни уйғongan ҳар бир ёш ўйли-жойли, қўшимча ишли бўламан, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб эзгу ният билан юракдан ишлайдиган имконият пайдо бўлди. Ҳеч шубҳасиз, юксак даражадаги эътироф, ғамхўрликни ҳис қилган келажакимиз ворислари, албатта, Ватанга фидокорона хизмат қилади.

Биз, катта авлод вакиллари ҳам билдирилган ишончга муносиб тарзда изланишдан тўхтамаслигимиз, тинимсиз ишлашимиз керак. Неча йиллик бой тажрибаларимиздан келиб чиқиб шакл-



лантирадиганимиз — “маҳорат мактаби” орқали кўплаб умидли ёшлар тақдирида муҳим ўрин туттишимизни ҳис қилишнинг ўзи қанчалар шарафли.

Қарор билан Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан лекторий концертлар ўтказилиши, уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат томонидан молиялаштирилиши ҳам соҳада кўплаб тизимли ишларнинг амалга ошишида муҳим ўрин тутди.

Ўзбек халқининг миллий маданиятини тарғиб этувчи танловларнинг жорий этилиши эса миллий мусиқа санъатимиз, қўшиқчилигимиз тарақиётига, ўзбек санъатининг дунёга юз тутишига, соҳада ҳозиргидан-ноёб дурдоналар пайдо бўлишига хизмат қилади. Энг муҳими, кенг қамровли ушбу қарор билан халқимизнинг ўзига хос маданияти ва санъати ривожланишининг янги палласига қадам қўйди.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ОЧИҚЛИК, АДОЛАТ ВА НАТИЖАДОРЛИККА АСОСЛАНГАН ТУЪ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА



Адҳам БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
ректору, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Бошланиш 1-бетда

Бугунги Ўзбекистон том маънода кечаги биз билган секин ва сокин кетаётган кема эмас, бу ҳақиқатда янги Ўзбекистон — очик бошқарув тизими, мустаҳкам иродали лидери билан мақсад сари дадил интилаётган, шу сабабли дунёни пол қолдираётган давлат.

Утган беш йилликнинг энг характерли хусусиятлари давлатнинг очиклик сийсатида, қабул қилинаётган қарорлар шаффофлигида, давлатнинг халқ билан муносабат адолат тамойилларига таяниб олиб борилаётганида, жамиятнинг барча жабҳаларида яратувчанлик кайфияти устунилигида, иқтисодиётда адолатли рақобат муҳити шаклланиётганида ҳамда ташқи сийсатда прагматик йул тутилаётганида намоён бўлмоқда.

Тараққиёт стратегияси — жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди ғоялари, ташаббуслари ва сайловчилар билан бамаслаҳат ишлаб чиққан дастурини ўз ичига олган, халқнинг очик муҳокамасидан ўтган, унинг барча дарду ташвишлари ва оруларини ўзида муҳасам этган бу муҳим ҳужжат, ҳеч шак-шубҳасиз, 2022-2026 йилларда инсон қадри мулоҳири бўлган жамиятни яратиш, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда ҳаёт маскани — маҳаллани янада обод қилишда маёқ вазифасини бажаради.

Мустақил Ўзбекистоннинг 30 йиллик ривож тарихида ҳали бунақа йирик ҳужжат ва улкан лойиҳалар қилинмаган. Рақамларга мурожаат қиламиз: илмий асосланган 7 та устувор йўналишда 100 та аниқ мақсад, фақатгина жорий йилда 398 та амалий натижаларга йўналтирилган чора-тадбирлар. Дастурнинг ижроси учун 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард доллар маблағ ажратилади.

Энг муҳим масала, бу — Тараққиёт стратегиясининг руҳияти, яъни барча ҳаракатлар “Инсон қадри учун” тамойилига бўйсундирилганида. Ҳар бир мақсад, ҳар бир ташаббус ва ҳар бир чора-тадбирда инсон қадрини улуғлаш, унга муносиб ҳаёт шарт-шароитларини яратиш, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мустаҳкам ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Албатта, мазкур ҳужжати бир тахлилий мақола билан қамраб олиш мумкин эмас. Зеро, “Тараққиёт стратегияси”нинг ҳар бир мақсадини очиб бериш учун битта китоб камлик қилади. “**Инсон қадрини юксалтатиш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқлараран давлат барпо этиш**”, деб номланган биринчи устувор йўналишда 12 та мақсад кўзда тутилган бўлиб, мазкур мақсадларга эришиш йўлида 45 та аниқ чора-тадбирни амалга ошириш режалаштирилган.

“Халқ билан очик мулоқот” тамойили — ислохотлар самарадорлигини баҳоловчи бош мезон

Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтишда энг муҳим тамойил сифатида ҳаракатлар ва дастурларда узвийликнинг таъминланиши муҳим омил ҳисобланади. Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси модели асосида ҳаётга жорий этилган “**Халқ билан мулоқот**” тамойили ва унинг негизда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизда инсон манфаатларини энг олий қадриятга айлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Тараққиёт стратегиясининг руҳиятини акс эттирувчи “**Инсон қадри учун**” ва “**Давлат — инсон учун**” каби тамойилларга асосланган дастур Ҳаракатлар стратегиясининг мантқиқий ва узвий давоми эканини, давлат ўз сийсатида танлаган йўналидан оғишмай давом этишини аниқлашди. Мазкур жиҳат нуфузли хорижий экспертлар, жумладан, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар, олимларимиз томонидан ҳам алоҳида таъкидланмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли билан янада яқин ҳамкор, ҳамнафас бўлишини рўёбга чиқаришга қаратилган бу сий-

сат жамиятда очиклик ва шаффофликни таъминлашда улкан аҳамият касб этди. Бинобарин, мамлакат сийсий етакчисининг бундай стратегик ёндашуви дунёнинг энг илгор демократик давлатлари раҳбарлари олға сураётган қарашлардан бир неча йил олдинда эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Масалан, Франция Президенти Эммануэль Макрон Франция сийсий элитасини тайёрлашга ихтисослашган дунёга машҳур Миллий бошқарув мактаби фаолиятини 2021 йил апрель ойида тугатиб, унинг заминида Давлат хизмати миллий институтини ташкил этди. У ўз қарорининг муҳим асосларидан бири сифатида давлат хизматчилари аҳолининг энг қўйи қатлами эҳтиёжларини етарли даражада билмаслигига, мазкур мактаб эса давлат идоралари масъулларини халқ билан очик мулоқотга тайёрлай олмаётганига ургу берган эди.

Макроннинг фикрича, Франция қачон ислох қилинади — қачонки элита ва халқ кўйида бир-бирини ўзаро тушунса ҳамда яқдилликда ҳаракат қилса. Хусусан, Франция лидери ишчилар, хизматчилар ва фермерлар фарзандлари, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган ёшлар юксак давлат хизматининг жамиятдаги тимсоли бўлиши жуда ҳам муҳимлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, сийсий элита ва халқ ўртасидаги мулоқотни таъминловчи механизмлар яхши ишламаган шароитда кўпгина муаммолар юзага келиши мумкин. Бугун дунёда кечаётган мураккаб глобал ва минтақавий жараёнлар бунга аққол мисол бўла олади.

Маълумки, Ўзбекистонда давлат раҳбари томонидан халқ ва тadbirkorлар билан мулоқотнинг мутлақо янги ва ўта қўлай, инновацион ва шаффоф тизими яратилди. Президентнинг Халқ қабулхоналари, муҳим регулятив функцияларга эга бўлган барча турдаги давлат бошқаруви органларининг сайёр қабуллари тизими, қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг очик умумхалқ муҳокамаси тизими — буларнинг барчаси Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида давлатнинг халқ, хусусан, тadbirkorлар билан очик мулоқоти механизмлари сифатида шаклланиб, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадор давлат бошқаруви тизими — янги Ўзбекистон тимсоли бўлади

Давлатнинг, аввало, иқтисодиёт, қолаверса, бутун жамият ҳаётига аралашуви даражаси, бу — асрлар оша давом этиб келаётган ҳам илмий, ҳам амалий йирик масала. Вазирликлар ва бошқа давлат идоралари сони ҳамда уларнинг регулятив функциялари ранг-баранглиги даставвал юқорида қайд этилган энг муҳим масалалар, яъни “**давлат жамият ҳаётига, хусусан, иқтисодиётга қай даражада аралашуви лозим**”, деган саволга аниқ жавоб беришига боғлиқ.

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг яна бир муҳим янгилиги, бу — давлат бошқаруви функциялари децентрализацияси (номарказлашуви) ва уларнинг давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилиши. Бу борада ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатда жуда катта ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилиб, мамлакатнинг нуфузли халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрни сезиларли даражада юқорилади.

Мамлакат ҳаётининг энг муҳим соҳаси, яъни иқтисодиётни олайлик. Буюк иқтисодчи ва файласуф Адам Смит даврдан (XVIII аср) бўён давом этиб келаётган “иқтисодиётга давлат аралашуви қай даражада бўлиши керак”, деган илмий-амалий мавзу иқтисодчи олимларни “**кейнсчилар**” ва “**монетаристлар**” каби оқимларга бўлиб ташлади. Давлатларда иқтисодий тизимларнинг ривожланиш даражаси, даврий иқтисодий инкирозлар, иқтисодий институтлар ва механизмлар самарадорлиги даражаси вақти-вақти билан у ёки бу тизимларни, глобал иқтисодиёт ривожланишининг охириги 20 йиллик тарихи (хусусан, 2008 йилги глобал молиявий инкироз) эса “кейнсчилар” (давлатнинг иқтисодиётга аралашуви лозимлиги тарафдорлари) ғояларини маъқул, деб топмоқда.

Яна бир муҳим масала, бу — **давлатнинг самарали регуляторлик роли**. Маълумки, ҳар илми Швейцариянинг Давос шахрида глобал иқтисодий ривожланиш траекторияларини белгилаб берадиган йирик иқтисодиётга эга давлатлар ва трансмиллий компаниялар раҳбарлари Бутунжаҳон иқтисодий форумига йиғилади. Ушбу форум иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим индикатори — **Глобал рақобатбардошлик индекси**ни эълон қилар экан, умумбашари иқтисодий тараққиётга дахлдорликка ҳаракат қилаётган ҳар бир прогрессив миллат учун ушбу тезисни йўллайди: **бугунги кунда давлатларнинг глобал бозордаги рақобатбардошлиги уларнинг иқтисодий ресурслар билан қай даражада таъминланганлиги билан эмас, балки ушбу давлатлар ўз миллий компанияларининг глобал бозорда самарали рақобат қила олиши учун қандай иқтисодий институтлар ва инструментлар яратаётганликлари билан аниқланади**.

Глобал рақобатбардошлик индексида иштирок этиш орқали Ўзбекистонда инвестицион муҳитни кескин қучайтириш, стратегик инвесторларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш орқали мамлакат ишлаб чиқариш қўлчарининг техник ва технология модернизациясини амалга ошириш, нафақат иқтисодиёт тармоқлари, балки республика ҳудудларининг бир текисда ва узлуқсиз ривожланишини таъминлаш борасида 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси асосида қатор Президент фармонлари ва қарорлари,

ҳукуматнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, катта натижалар қўлга киритилмоқда. Энг муҳим натижавий кўрсаткичлардан бири — **яқин келажикда Ўзбекистонда энергия ресурсларининг камида чорак қисми қайта тикланадиган манбалардан олинишига** шарт-шароит яратилгани Жанубий ва Марказий Осиё ҳудудида **кундузи чакмоқ чакна-гаддек** бўлди.

Бу борада Ҳаракатлар стратегиясидан бошланган давлатнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш механизмлари эстафета тамойили асосида Тараққиёт стратегиясига ўтиб бормоқда. Жумладан, мазкур ҳужжатнинг “**Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш**” деб номланган диган учинчи устувор йўналишида **16 та мақсад ва 128 та аниқ чора-тадбир** белгиланган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон иқтисодиётини инсон қадрини улуғловчи ва халқчил тараққиёт траекториясига олиб чиқади (бу соҳа алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланиши боис, тахлилларни шу ерда тўхтатамиз).

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг яна бир муҳим янгилиги, бу — **давлат бошқаруви функциялари децентрализацияси** (номарказлашуви) ва уларнинг **давлат-хусусий шериклик тамойиллари** асосида амалга оширилиши. Бу борада ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатда жуда катта ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилиб, мамлакатнинг нуфузли халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрни сезиларли даражада юқорилади.

Эндиги ислохотлар яна бир муҳим саволга ҳар томонлама асосланган жавоб орқали давом эттирилиши лозим: давлат функцияларининг децентрализацияси ва давлат бошқарувида давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилиши **давлат бошқаруви органлари ва уларнинг регулятив ваколатлари ҳамда давлат хизматчилари сони ва бошқарув қарорлари қабул қилиш мўддатларининг реал қисқаришига** олиб келдими? Бу масалада, албатта, чуқур таҳлил ва танқидий тадқиқотлар керак бўлади. Қайд этиш жоизки, Тараққиёт стратегияси мақсадларида мазкур саволларга ижобий жавоблар бўлиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Давлат бошқаруви органлари, давлатнинг регулятив функциялари ва давлат хизматчилари сонига, табиийки, давлат бошқаруви харажатларига билвосита таъсир этадиган, кейинги вақтларда давлат раҳбари алоҳида эътибор берадиган яна бир масала, бу — **қонунларимизнинг тўғридан-тўғри амал қилиш хусусияти**. Бу эътиборнинг тағида жуда катта мантиқ ётибди. Қабул қилинадиган **қонунлар қанчалик чезаравий хусусиятга эга бўлса**, уларда қонуннинг ишлаш механизми (унинг юраги) етарли ишлаб чиқилмас, давлат органлари фаолияти ва уларнинг регулятив функциялари, хусусан, давлат хизматчилари сони шунчалик кўп бўлади. Бир нарсани доимо эсда туттишимиз лозим — **қонунларимиз**


“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг яна бир муҳим янгилиги, бу — давлат бошқаруви функциялари децентрализацияси (номарказлашуви) ва уларнинг давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширилиши. Бу борада ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатда жуда катта ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилиб, мамлакатнинг нуфузли халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрни сезиларли даражада юқорилади.

қанчалар тўғридан-тўғри амал қилмас экан, бу ҳолат шу қадар давлат бюджети учун катта харажатлар келтириб чиқаради.

Президентимизнинг қатор йиғилишлардаги маърузаларида, шунингдек, Тараққиёт стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилишига, уларни амалга ошириш учун турли фармон, қарор, низоми ва бошқа қонуности ҳужжатларига ҳаттиҳ тутилишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилган. Биз жамиятда **аҳоли, хусусан, тadbirkorлар қонунлари яхши билиши ва улара аниқ рўя этиш маданиятини шакллантиришимиз** лозим. Бунинг учун эса, аввало, реал ҳаётда қонунларимиз тўғридан-тўғри амал қилиши, улардан аввало, аҳоли, қолаверса, тadbirkorлар бевосита фойдаланиши учун имконият яратишимиз лозим. Бу борада, афсуски, ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар анчагина. Ўзбекистонда давлат сийсати ва давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш борасида гап кетганда, албатта, Президентнинг давлат бошқаруви борасидаги муҳим ғоя ва ташаббуслари кенг акс этаётган “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан кейин Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида давлат сийсатини ишлаб чиқиш (policy making) ва уни амалга ошириш (policy implementation) жараёнларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (барча бўғинлари) фаолияти ва уларнинг регулятив ваколатлари регламентациясига қаттиқ риоя этилади. Яъни давлат бошқаруви органларида давлат сийсати ва уни амалга ошириш функцияларининг қўшилиб кетишига йўл қўйилмаслик, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга децентрализация, шунингдек, аутсорсинг тамойилларига асосланган давлат-хусусий шериклик институтлари имкониятига алоҳида эътибор қаратилади.

Ишончимиз комилки, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида муҳокама этилаётган тамойилларнинг давлат сийсати ва давлат бошқаруви жараёнларида акс этиши, глобал иқтисодий ва инновацион индекслар билан бир қаторда, халқаро майдонда демократик давлатлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган давлат бошқаруви

“МУСТАҚИЛ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
30 ЙИЛЛИК РИВОЖИ
ТАРИХИДА ҲАЛИ
БУНАҚА ЙИРИК
ҲУЖЖАТ ВА УЛКАН
ЛОЙИҲАЛАР
ҚИЛИНМАГАН.
РАҚАМЛАРГА
МУРОЖААТ
ҚИЛАМИЗ: ИЛМИЙ
АСОСЛАНГАН
7 ТА УСТУВОР
ЙЎНАЛИШДА 100
ТА АНИҚ МАҚСАД,
ФАҚАТГИНА
ЖОРИЙ ЙИЛДА
398 ТА АМАЛИЙ
НАТИЖАЛАРГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН
ЧОРА-ТАДБИРЛАР.
ДАСТУРНИНГ
ИЖРОСИ УЧУН 55
ТРИЛЛИОН СЎМ
ВА 11,7 МИЛИАРД
ДОЛЛАР МАБЛАҒ
АЖРАТИЛАДИ.



самарадорлиги индексларида ҳам Ўзбекистоннинг ўз салоҳиятига муносиб уринларга кўтарилишига асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш — самарали давлат ҳокимияти кафолати

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг яна бир муҳим йўналиши, бу — давлат фуқаролик хизматчилар янги авлодини шакллантириш. Мамлакатимизда умумэътироф этилган халқаро талабларга мувофиқ кадрларни танлаш ҳамда уларни меритократия тамойили асосида лавозимларга тайинлаш, инсон қадрини эъзозлайдиган, коррупцияга қарши тоқатсиз янги авлод раҳбар кадрларини тайёрлаш масаласи Тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Шубҳасиз, ихчам, профессионал, адолатли ҳамда юқори натижадорликка асосланган давлат бошқаруви тизимини яратиш, энг аввал, давлат хизматчиларининг замонавий назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга экани билан қамбарчас боғлиқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда кадрлар сийсатини такомиллаштириш, раҳбар кадрларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сийсий-ҳуқуқий салоҳиятини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди, умумэътироф этилган халқаро талаблар асосида давлат хизмати ва инсон ресурсларини самарали бошқариш тизими босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар давомида давлатнинг эътиборидан четда қолиб келаётган “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш, хусусан, давлат хизматчилари касбий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, юқорида қайд этилгани каби, мазкур қонун тўғридан-тўғри амал қилишининг таъминланишидир, зеро, **давлат кадрлар сийсатини амалга оширишда қонун эмас, балки қонуности ҳужжатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этир экан, бу муаммони давлат сийсати ва бошқарувининг бошқа соҳаларида ҳал этиш имконияти жуда паст бўлади**.

Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокамалардан ўтмоқда. Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари ва идоралари сони юзга яқинлашиб қолган, давлат фуқаролик хизматчилари сони юз мингдан ошаётган бўлса-да, бу хорижий давлатларга нисбатан жудаям кам кўрсаткич, деган таҳлилларни учратиш мумкин. Масалан, интернет маълумотларига кўра, Жанубий Кореяда давлат хизматчилари сони 1,2 миллион кишидан ортқ, ХХРда ҳар 205 кишига, Германияда 165 кишига, АҚШ ва Буюк Британияда 157 кишига, Қозғоистонда ҳар 188 кишига, Россияда эса ўртача ҳар 60 кишига давлат бюджетидан маош олаётган бир давлат хизматчиси тўғри келар экан (**давлат хизматчиси ва давлат бюджетидан маош олаётган мансабдор шахс, деган тушунчалар ўзаро фарқ қилишга эътибор қаратиш лозим**).

Таҳлилларни, дастлаб Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати ва давлат махсус хизмати тушунчалари мавжудлигидан бошлаш керак (**давлат хизматининг махсус тури, яъни ҳуқуқ-тартибот ва бошқа давлат махсус хизмати алоҳида таҳлил ва тадқиқот объекти бўлгани боис, бу соҳани алоҳида ўрганиш лозим**). Давлат фуқаролик хизматчилари сонининг (умумий аҳоли ёки меҳнат билан банд аҳоли сонига) нисбатан кам ёки кўпчилигини тўғри баҳолаш учун, аввало, айни бир мамлакатда “давлат фуқаролик хизматчиси”, деган тушунчанинг моҳиятини тушуниб этиш керак.

Бугунги кунда бизнинг парламентимизда муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига кўра, давлат фуқаролик хизматчиси деганда, давлат органига юклатилган вазифаларни бажариш учун белгиланган доирдаги мансаб ваколати ва мажбуриятларига эга давлат органларидаги лавозимини эгаллаб турган шахс тушунилади. Халқаро тажриба кўрсатишича, “давлат хизматчиси” тушунчаси

турли мамлакатларда турли хил бўлгани боис, уларнинг сонини тўғридан-тўғри (**ушбу категория хизматчиларининг касбий-лавозимий таркибини аниқламай туриб**) таққослаш, фикримизча, илмий асосланмаган ҳисобланади. Масъулиятни англаган ҳолда, бу борада тадқиқотчиларимиз (хусусан, давлат сийсати ва бошқаруви соҳасида) амалга ошириш лозим бўлган масалалар ҳали жуда кўп, деб ўйлайман.

Иқтисодий соҳада бир тахлилчи сифатида айтишим мумкинки, “давлат фуқаролик хизматчиси”, деган тушунча бу доғма эмас, давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва қуввати ошиб борагани сари мазкур тушунчага бериладиган таъриф ҳам албатта ўзгариб боради, давлат манфаати йўлида хизмат қилаётган, давлат ҳокимиятини, давлат бошқаруви органини ёки бошқа давлат ташкилоти хизматчиси — барчасининг мақоми аста-секин ягона стандартга кўтарилиб боради. **Инсон манфаати ва қадрини улуғлайдиган давлат**, албатта, унинг манфаати йўлида хизмат қиладиган, унинг сийсати амалга ошишига астойдил қўмақлашадиган ва **унинг қадриятларини қадрлайдиган ходимларини бир мақомда кўради**.

Тараққиёт стратегиясида давлат хизматчилари касбий компетенцияларини ривожлантириш масаласида ҳам қатор ислохотлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, давлат хизматчиларида тизимли тахлил ва стратегик режалаштириш, ташаббускорлик, лидерлик, инновацияларга очиклик, креатив фикрлаш, натижа учун ишлаш ва ностандарт вазиятларда мақбул қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш борасида Давлат бошқаруви академияси ва бошқа олий таълим муассасаларида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Утган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида биринчи бор Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган марказий давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбар кадрларининг очик мулоқоти бошқаруви кадрларида замонавий бошқаруш ва лидерлик, халқ билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, лойиҳалар тақдироти ва нотиклик санъати каби йўналишларда давлат хизматчилари ва тармоқ вазирликларини мутахассисларининг амалий компетенцияларини янада ошириш ва ривожлантириш йўлида талафгани вазиофлар борлигини кўрсатди.

Шунингдек, давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни нафақат шаклан ва мазмунан бойитиш, балки давом этаётган коронавирус пандемияси талаблари асосида ушбу жараёнларни замонавий таълим технологиялари ва шаклларида, жумладан, рақамли технологияларни қўллаш орқали масофавий ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, энг илгор хорижий тажрибалар асосида давлат хизматчиларининг назарий билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

“Ҳаракатлар стратегияси” руҳиятида ўтган беш йил давомида биз давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳар томонлама ўрганиш, танқидий таҳлил ва жадал тараққиётга тайёргарлик даврини бошдан кечирдик. Тараққиёт стратегияси эса, бизни янада мураккаброқ ва маҳобатлироқ вазифаларни ҳал этишга бошламоқда. Бу сафар иқтисодиёт, жамият шундай режаларни ҳал этишга муносиб ва қодир бўлган иқтисодий ҳамда инсон ресурси салоҳиятига эга.

Муаллимлар муаллимни ҳисобланмиш Аристотель бундан салкам икки ярим минг йил аввал ўз шоғирдларига маърузани боғда сарф қилиб юриб, ҳаракат қилган ҳолда амалга оширган. Унинг фикрига кўра, бу ҳолатнинг асосий сабаби — инсон бир жойда тургандан кўра, ҳаракат қилаётганида унга янада яхшироқ фикрлар, ғоялар ва ечимлар келади. Ушбу буюк юнон файласуфининг бундай сўзларини яқинда немис нейробиологлари ҳам тасдиқлади.

Фикримизча, ҳудди шу мантик ва тажрибадан келиб чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёев барча даражадаги бошқарув кадрларидан мунтазам ҳаракат ва изланиш орқали инсонлар, давлат ва жамият ҳаётидаги муаммоларга ечим излаш ва уларни ҳал этишни талаб қилади. Шу маънода, аминимизки, Тараққиёт стратегияси яқин беш йилликда доимий ҳаракатлар ва изланишлар орқали муаммоларни ҳал этишининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

БУЛУТ “ЭКИШ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

юртимизда ёмғир ва қор ёғдириш имконини беради

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бу йилги киш ҳам қутилганидек келмади. Бир қарасанг, куз ҳавоси, бир қарасанг баҳорий илиқлик. Дунёда кечаётган глобал исиш, иқлим ўзгаришлари фаслларга тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Йилдан-йилга ёмғир ва қорнинг камайиши қузғайилантипти. Натижада қўлланиш, қурғоқчилик, қум-чанг бўронлари каби салбий оқибатлар сони кескин ошиб борапти.

Дунёнинг айрим давлатлари масалани ечимларидан бири сифатида сунъий усул орқали ёмғир ёғдириш технологиясидан фойдаланиб туради. Тажриба доим бахсли мулоҳазаларни юзага келтиргани, қолаверса, анча қimmat технология бўлгани боис, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида ҳам кенг қўлланилмайди. Аммо охириги йиллардаги иқлим ўзгаришлари туфайли сунъий тарзда ёмғир ёғдириш амалиёти қатор давлатларда омаллашиб борапти. Жаҳон метеорологик ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирги кунда 56 та давлат, хусусан, Хитой, Индонезия, АҚШ каби мамлакатларда бу тажриба қурғоқчиликка қарши қурашишда кенг қўлланилмоқда. Утган йили Бирлашган Араб Амирлиги ва Саудия Арабистонида атмосфера ҳавосига фалот таъсир қилиш натижасида қор ёғдирилди.

Сунъий тарзда ёғингарчиликни ҳосил қилиш амалиётида булут “экиш” технологияси деб ҳам аталади. Мазкур тажриба юртимиз олимлари учун ҳам бегона эмас. Бу йўналишдаги изланишлар Гидрометеорология институтига базасида 1963 йилда бошланган. Энг охириги илмий тадқиқот эса 1990 йилларда бўлган. Бироқ шундан кейин молиявий масалалар сабаб бу борадаги изланишлар тўхтаб қолган эди. Яқиндан бошлаб институт олимлари қайтадан мазкур технология устидаги ишларни бошлаб юборди. Яъни эндиликда, **Ўзбекистонда сунъий тарзда қор ва ёмғир ёғдириш амалиётида қўлланила бошланади.**

— Яқин вақтгача лойиҳалар грантлари асосида кун қўрган институтнинг давлатимиз раҳбари топишириги билан доимий молиялаштиришга ўтказилгани бу борадаги изланишларни ҳам фаоллаштиришга кенг йўл очди, — дейди Узгидромет бош директори Шерзодхўжа Ҳабибуллаев. — Бундан қўзланган асосий мақсад исталган вақт ва жойда қор ёки ёмғир ёғдириш эмас, балки, аввало, илмни ривожлантириш, узоқ йиллик тажрибага эга олимларимиз салоҳияти ёрдамида мавжуд имкониятларимизни рўёбга чиқаришдан иборат. Қолаверса, глобал исиш кўрсаткичлари ортб бораётган бугунги даврда ушбу технологияни амалга оширишга эҳтиёж бор. Айниқса, бизнинг ҳудудимиз иссиқ ўқлар қаторига киради. Агар рақамларга қарайдиган бўлсак, дунёда булганиш кўрсаткичи



1-1,5 даража, Ўзбекистонда эса 2-3 даражадан юқори эканини кўрсатади. Бу, ўз ўзидан қишда қор камайиб, ёзда меъёридан иссиқроқ бўлишига олиб келмоқда. Агар биз ҳозир сунъий ёмғир ёғдириш технологияси бўйича илмий изланишларни ривожлантирмасак, бу йўналишда бошқа давлатларга боғлиқ бўлиб қолишимиз мумкин. Бинобарин, қўшни мамлакатларда бу борада ҳали ҳеч бир илмий ишга қўл урилмаган. Бизнинг энг катта ютуғимиз, олимларимизнинг технология бўйича узоқ йиллик илмий изланишлари, ўтказган амалий тажрибаларига эгаимиз. Шу жиҳатдан, натижага тезроқ эришиш имкониятимиз юқори.

ДРОНЛАР МИССИЯНИ БАЖАРА ОЛАДИМИ?

Тадқиқотни буюртма асосида олиб бориш режалаштирилган. Ҳозирда қўллаб ташкилотлар, ҳатто, туриялик инвесторлар лойиҳага қизиқиш билдирмоқда. Илк амалий тактифлар гидрогеология йўналишида иш олиб борадиган республикадаги энг катта ташкилотлардан бири томонидан илгари суриляпти. Узаро ҳисоб-китоб ишлари якунига етгач, технологияни қўллаш жараёни бошланади. Ҳозирча номи очикланмаган ташкилот фаолияти сув соҳаси билан боғлиқ бўлгани боис,

институт дастлабки босқичда технологияни дарёлар ҳавзасининг юқори тоғли қисмида амалга оширади. Кейинчалик тоғли ҳудуд, қишлоқ ҳўжалиги ерларида сунъий ёмғир ёғдириш кўзда тутилган.

Хўш, жараён қай тарзда амалга оширилади? Умуман, болалигимизда севиб томоша қилганимиз бир мультфильмдаги каби булутдан ҳар ким “ўз ёмғири”ни ёғдириши мумкинми? Гидрометеорология институтидан узоқ йиллардан буюн ишлаб, мазкур технология бўйича олиб борилган илк изланишларда қатнашган, география фанлари номзоди Бахтиёр Қодиров булутларни бошқариш “сири”ни шундай изоҳлади.

— Сунъий тарзда ёмғир ёғдириш учун танланган булутга керакли дориларни сепиш талаб этилади, — дейди олим. — Ҳозирги кунда бундай дорилар хилма-хил. Шулардан бири қумуш йодид. У ўтган асрнинг 30-йилларида топилган. Музлатиш эффекти жуда юқори. Иккинчиси, хладореагентлар, яъни музлатувчи, табиатга мутлақо зарарсиз дори воситалари. Бундан ташқари, булутга тузга ўхшаган гидроскопик воситалар сепиш ҳам омаллашган. Шунингдек, сунъий ёмғирни механик усулда ёғдириш мумкин. Бунинг учун катта турбина орқали атмосферага кўп миқдордаги иссиқ ҳаво ҳайдалади. Натижада нам ҳаво баландиликка кўтарилади ва у ерда музлаш жараёнида булутга айланади. Шу тариқа булут ҳосил бўлиб, ёмғир ёғади.

Дориларни белгиланган булутларга етказиб бериш технологиянинг энг қimmat қисми ҳисобланади. Боиси, бу жараёнда қўлланиладиган техникалар арзон эмас. Булутларга реагентлар — қумуш йодид ёки қуруқ музни сепишнинг бир қанча усуллари бор. Биринчиси, самолётлардан фойдаланиш. Иккинчи йўли, ердан туриб, ракетада отиш. Учинчи усул эса, генераторлар ёрдамида ёмғир ёғдириш дейилади. Бунда маълум бир нукталарга генераторлар ўрнатилган, улар ёрдамида кимёвий реагентлар атмосферага пуркалади. Бу асосан, тоғли ҳудудларда қўлланилади.

Булутларга дори сепишнинг энг сўнгги, замонавий усули эса дронлардан фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу технология Буюк Британиянинг Рединг ва Бас университетлари олимлари томонидан яратилган бўлиб, ҳозирги кунда Англия ва БААда сигналган. Аммо олимларимизнинг айтишича, дронлар усули бизнинг ҳудудга унчалик тўғри келмайди. Чунки улар бизнинг иқлим, айниқса, тоғли ҳудуд шароитида муз билан қопланиб қолиши мумкин. Муз қопланган дрон эса миссиясини якунламай туриб, оғирлашиб ерга қўлайди.

Булутларнинг ҳаммасига ҳам дори сепиш самара бермайди. Улар иш бериши учун булутнинг керакли қатламиде музламаган сув зарарчаси бўлиши шарт. Шундангина дори сепиш натижа бериб, ёмғир ёғади.



ЁҒИНГАРЧИЛИК 15 ФОИЗГА ОШАДИ

Болалигимизда йирик давлат тадбирлари олдидан тўп орқали булутлар тарқатилиб, қучли ёмғир ва дўлнинг олди олиниши ҳақида кўп эшитардик. Олимлар чиндан ҳам бу борада тажрибага эга эканлигини таъкидлади. Аммо сунъий тарзда ёмғир қақриш ёки қор ёғдириш усуллари ҳам институт мутахассислари учун янгилик эмас. Илмий изланишлар йиллар давомида В.Қурбаткин, О.Жўраев, Х.Имомжонов, Б.Қодировлар томонидан давом эттирилган. Бугун улар ўз ишларини шогирдларига ўргатмоқда.

— 1963 йилда Тошкент вилоятининг Пском ҳудудида тажриба илк марта қўлланди, баландлиги икки километргача кўтариладиган кичик ракетадан фойдаланилган, — дейди институт лабораторияси тадқиқотчиси Бахтиёр Қодиров. — Ушунда ракетапар булутларга отилиб, сунъий ёмғир ёғдирилган. Утган асрнинг 90-йилларида Тошкент, Фарғона водийси шимол ва Қашқадарё тоғ ва тоғонли ҳудудларида қатор тажрибалар ўтказилган. Жараёнда таъсир зоналарида атрофга нисбатан 15 фойз кўп ёғин бўлгани илмий исботини ҳам топган. 2000 йилда эса шимолги Қозғистоннинг Қостанай вилоятида ўтказилган тажрибаларда бир гуруҳ ўзбек олимлари қаторида катнашдим. Вазифамиз бугундай майдонининг устида сунъий ёмғир ёғдиришдан иборат эди. Гап шундаки, ўша вақтда қўшни мамлакатда барча техникалар бор, аммо бу йўналишда мутахассис йўқ эди. Шу боис, улар бизга мурожаат қилишган. Хуллас, жамоа билан ёз

бўйи ўша ерда ишлаб, июль-август ойида сунъий ёмғир ёғдириб берганимиз. Натижа си кўтганимиздек бўлган. Бахтиёр ақанинг ўзи илк тажрибаларини Қашқадарёдаги 200 минг гектар лалмикор ерда булутга ракета отиш орқали ёмғир ёғдиришдан бошлаган. Вилоят микёсида қўшимча сув олиш йўллари метеостанциядан олган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган. Мазкур технологияни селга қарши ишлатиш бўйича ҳам ҳисоблаш моделлари бор. Олимнинг фикрича, бу тажриба селнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига қарши ҳам қўллаш мумкин ва бу қутилган натижани беради.

НАМ ОҚИМ ТУТИБ ҚОЛИНАДИ

Ёмғир ва қор кўринишидаги ёғингарчилик миқдориин ошириш, дўлнинг олдини олиш, об-ҳавони ўзгартириш ўз-ўзидан, атмосферага фалот таъсир этиш ҳисобланади. Шу боис, сунъий ёмғир ёғдириш брасиди бахсларда кўпроқ экологлар томонидан табиатнинг тизимига аралашува оид эътирозлар бўлади. Аммо мутахассисларнинг айтишича, тажрибаларнинг барчаси атмосфера жараёнарига эмас, балки нам ҳаво оқимларига таъсир этиш эвазига амалга оширилади. Бунда БМТ томонидан 1977 йилда қабул қилинган Атмосфера муҳитини ўзгартириш конвенцияси стандартларига тўлиқ рияз этилади.

Ишни амалга ошириш жараёнида, хусусан, булутларнинг қалинлиги, ҳолати, юриши ва бошқа барча маълумотлар махсус радиолокаторлар орқали назоратга олинади. Мазкур қурилмалар камида уч соат

олдин булут ёмғирлими ёки йўқлигини кўрсатиб беради. Ҳозирги замонавий технологиялар эса барча ҳисоб-китобларни аниқ амалга ошириш имконини беради.

Охириги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда йил давомида атиги 200-240 соат, яъни 9-10 сутка ёмғир ёғар экан. Яъни циклилик, ҳаво намлиги ўтган асрга нисбатан камайиб борапти. Мутахассисларнинг айтишича, бошқа ҳудудлардан келаётган нам ҳаво қамроқ вақт оралигида юртимиздан ўтиб кетмоқда. Масалан, бир ҳафта олдин мамлакатимиздаги совуқ иқлим қўшни мамлакатга чиқиб кетиб, у ерда қорга айланган. Агар шу қор бизда бўлганда, қўшимча сув олишимиз мумкин эди. Сунъий ёмғир ёғдириш технологияси шундай вақтларда унумли фойдаланиб қолиш ҳам ёрдам беради.

Технологияга қўшни давлатларда ҳам эҳтиёж катта. Айни вақтда Гидрометеорология хизмати марказида ишлаётган “MODSNOW” дастури масофадан туриб, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё микёсида ана шундай маълумотларни олиш имконини бермоқда.

— Технологик дастур ҳудудларнинг дарё ҳавзаларидаги қор билан қопланиш даражасини ҳам ўрганади, — дейди Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтини кичик илмий ходими Акмал Ғофуров. — Айни пайтда у марказнинг иккита бўлимида ишлаб турибди. Дастур ёрдамида қор қўчилирини баҳолаш, вегетация даврига қанча сув келишини баҳорат қилиш мумкин. У Мод-диз космик кема си маълумотлари асосида ишлайди. Одатда, космик кема маълумотларини икки кун ўтиб тақдим қилиши керак. Лекин келишувга асосан, космик кема учиб ўтиши билан, маълумотлар тўғридан-тўғри марказга узатилади. Дастурдан олинадиган кунлик мониторинг натижалари асосида сунъий ёмғир ёғдириш технологиясини самарали қўллаш мумкин. Масалан, дарё ҳавзаларида қор нормадан кам бўлса, тоғларда сунъий ёмғирни қор кўринишида ёғдириш орқали уни мезғерга етказиш ва кам сувли йил бўлиш эҳтимолини бартараф этиш имконияти вужудга келади.

Албатта, янги технологиянинг афзалликлари кўп. Хусусан, сунъий ёмғир ёғдириш қиш кунлари ёғинни қўлайтиришга, ёз фаслида эса айни сув керак бўладиган вақтда қиш кўмакчига айланиши мумкин. Иқтисодий самарадорлигига келсак, сувни қўлайтириш орқали бошқа ҳолатлар, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлиқни ошириш ва гидроэлектр энергияси ҳосил қилиш ҳажмини кенгайтиришга ҳисса қўшилади.

Лойиҳани амалга ошириш орқали ёғингарчилик кўрсаткичини 15-20 фойзга ошириш мумкинлиги айтилмоқда. Айни пайтда мазкур технологияга қизиқувчилар сони ортб бормоқда. Бу борадаги ишлар эса буюртма асосида олиб борилиши режалаштирилган.

НУҚТАИ НАЗАР

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Айни пайтда юртимизда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талаби ва эҳтиёжи кун сайин ошиб бормоқда, унинг таъминоти масаласини ҳал этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соҳани қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибори туфайли чорвачиликнинг барча тармоғида ижобий самара ва натижалар кузатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг ўтган йили 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори асосида чорвачилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилди.



Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, ветеринария фанлари номзоди

Хусусан, чорвачилик ҳўжаликларида етиштирилиб, қўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2000 сўм, сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўм ҳамда туҳумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм, шунингдек, парранда қўштининг ҳар бир килограмми учун 1000 сўм ва интенсив усулда етиштирилган совуқ сув баликлари (лосос, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 3000 сўм, қолган турдаги ба-

ликлар учун 1000 сўм миқдорида субсидиялар ажратилиши жорий қилинди. Натижада чорвачилик билан шуғулланувчи ҳўжаликлар сони ортиши ҳамда чорвачилик комплекслари томонидан тирик вазнда 282,9 минг тонна қўшт ва 696,3 минг тонна сут маҳсулотлари етиштирилишига эришилди.

Президентимизнинг шу йил 8 февралдаги “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори соҳада бошланган ислохотларнинг узвий давоми сифатида мамлакатимизда чорвачилик тармоқларини янада ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли чора-тадбирларни белгилаб берди. Буни, айниқса, соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари қайфиятида сезиш мушкул эмас. Чунки мамлакатимиз чорвачилигида ислохотларнинг янги даври бошланмоқда. Бу чорвадорларга янгича ғайрат, қуч-қувват бахш этади.

Хўш, чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш, ҳўжалик юритувчи субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, чорва озуқа базасини қўлайтириш, шунингдек, аҳолининг ўз хонадонига чорва моллари боқилиши ташкил этиш ва чорва озуқа базасига бўлган талабни қондириш борасида қандай қўлайликлар, имтиёзлар, молиявий қўмак ва имкониятлар яратилмоқда?

Энди пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан 206 минг гектар сўғориладиган ерда алмашлаб экиш орқали беда ва чорва озуқа экинлари етиштирилади. Бу билан йилга қўшимча 2 миллион тонна озуқа биригини жамғариш имконияти яратилди. Пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шолчилик кластерлари томонидан 500–1000 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекслари ташкил этилади.

Бунинг натижасида 751916 бош қорамол парваришланиб, шундан 250115 боши сўтчилик, 501801 боши гўштичилик йўналишида боқилади ҳамда 2212 минг тонна сут ва 401 минг тонна қўшт етиштиришга эришилади.



Шунингдек, 2022-2023 йилларда ҳар бир тумандаги қўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи камида биттадан қорхона томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб берилди. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда сотиш ишлари йўлга қўйлади. Бу жараёнда ўзлаштирилладиган ва бўш турган ер майдонлари ҳисобидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб бериш ва етиштирилган чорва маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйган қўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи қорхоналарга аҳолига чорва озуқасини етказиб бериш шарти билан чорва боши сонига мутаносиб равишда озуқа ерлари очққ электрон танлов асосида ижарага берилди.

Қарорга кўра, кооперация усулида қўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш йўлга қўйган ҳўжалик юритувчи субъектларга чорвачилик бўйича, жумладан, чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан акредитладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитларнинг фойз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фойз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация ҳамда кредит суммасининг 50 фойзи миқдорида кафилилик тақдим этилади.

Дейлик, фермер ҳўжаликлари томонидан 22 фойзга кредит олинса, шунинг 8 фойзи компенсация

ҳисобига қопланади. Иккинчидан, кредит маблағларини олиш учун етмайдиган гаров таъминотининг 50 фойзига кафилилик тақдим этилади.

Чорвачилик йўналишида жалб қилинадиган халқаро молия институтларининг кредит маблағларини қўллаш чорвачилик соҳасидаги лойиҳалар учун мазкур қарор қабул қилинганга қадар ажратилган кредитларни қайтариш муддатини тадбиркорларнинг аризасига кўра, ўн йилгача узайтириш тавсия этилмоқда.

Шунингдек, жорий йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар қўшимча қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик ҳўжаликларига кооперация усулида етиштирилиб, қўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун субсидия миқдори 2000 сўмдан 4000 сўмга ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилади.

Бу маблағ бир килограмм қўшт ва бир литр сут маҳсулоти етиштириш учун сарфланадиган харажатнинг муайян қисмини қоплайди. Бунинг натижасида фермер ҳўжаликларининг қўшимча даромади ошиб, феолиятини янада кенгайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, техника харид қилиш имконияти юзага келади.

Чорвачилик ҳўжаликлари томонидан кредит ва лизинг шартлари асосида харид қилинган қишлоқ ҳўжалиги техникалари кредит ва лизинг фойзи харажатларининг 10 фойзидан ортққ қисми давлат бюджет ҳисобидан қоплаб берилди.

Фермер ҳўжалиги томонидан харид қилинган техника учун кредит ёки лизинг йиллик 22 фойздан олинса, 12 фойз давлат бюджет ҳисобидан қоплаб берилди ва бу фойз кўрсаткичи фермер ҳўжалиги учун 10 фойзини ташкил этади.

Озуқа экин майдонларида ёмғирлатиб ва томчилатиб сўғориш технологияларини жорий этган чорвачилик ҳўжаликларида ҳар бир гектар учун 8 миллион сўм миқдорида давлат бюджетидан субсидия ажратилади.

Бунда бир гектар ерга ёмғирлатиб ва томчилатиб сўғориш технологияларини ўрнатish қиймати 2500 АҚШ доллари бўлса, 8 миллион сўм субсидия берилиши ҳисобига ўрнатish нархи 1700 АҚШ долларига тушади. Ушбу технологияларни жорий этиш натижасида озуқа экин ерларидан олинадиган биргина макжаҳдорлиги ҳосилдорлиги текширилган 35 центнердан 60 центнерга етказилади.

Гидропоника усулида чорва молларига озуқа етиштириш усулларини харид қилиш харажатиинг 20 фойзи давлат бюджет ҳисобидан қоплаб берилди. Бунда мазкур усулна қийматининг 100 миллион сўмдан ошмаган қисми қопланади. Гидропоника усулида озиқлантириладиган майда шохли молларнинг тирик вазни 18-20 фойз ҳамда сут маҳсулдорлиги 15-20 фойз ошади. Бу орқали экин ер қамлиги, сув таъқилиғини шароитида гидропоника усулида чорва озуқаси етиштириш соҳага ва чорва моли боқувчиларга катта манфаат келтиради.

Хориждан олиб келинадиган, ишлаб чиқариладиган 5 йилдан ошмаган, озуқа экинларини экиш, йиғиш ва озуқа тайёрлашга мўлжалланган қишлоқ ҳўжалиги техникалари, уларнинг бутловчи бўюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида 2025 йил 1 мартга қадар боғхона тўловларидан ва утилизация йиғимидан озод қилинмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига “эркин муомалага чиқариш” божхона режимида жоиллаштирилган санадан бошлаб қўшимча қиймат солиғини 180 кунгача бўлган муддатта кечиктириб тўлашга рухсат берилмоқда.

Бу имтиёз фермер ҳўжаликларининг қўллаб-замоनावий техника олиб кириши ва озуқа экинларини вақтида йиғиб олиши натижасида фаолияти самарадорлиги ошишига хизмат қилади.



ИЗХОР

Ҳамма ҳаракатларимиз тагида инсон қадрини улуғлаш мақсади бор. Бугун бу ерга сизларнинг хоҳиш-истакларингиз, муаммоларингизни билиш учун келдим. Мақсадимиз — яхши ўқиб, ишлаб, жамиятда ўрин топишингиз учун шароит яратиш.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муддатидан олдин талаба бўлди

Учрашув чоғида Президентимиз биздан “Нима таклифларинг, тилакларинг бор?” деб сўради. Кўпчилигимиз республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, чемпион бўлганимизни айтдик. Шунда у киши “Бугун қарор қабул қиламан, сизлар муддатидан олдин талабасиз, бундай имкониятдан ғурурланиб, хурсанд бўлиб юринглар”, деди. Буни эшитиб беҳад қувондик.



2003 йили Тайлоқ туманида туғилганман. Ҳозир интернатда таҳсил оляпман. Болагимдан шашка билан шугулланиб келаман. Турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. 2021 йили август ойида Болгарияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритдим. Бу ютуқларга эришимда устозларимнинг сабоғи, ўғти мадад бўлди. Шу йилнинг 16-21 февраль кунлари Тошкентда ўтказиладиган шашка бўйича Ўзбекистон чемпионатида тайёргарлик кўряпмиз. Энди Самарқанд давлат университетининг рус тили ва адабиёти факультетида ўқишга киришганим. Ойлада катта фарзандман, укам ва синглим бор. Онам ўқитувчи бўлиб ишлайди. Олдин умумий ўрта таълим мактабида ўқиганман. Бироқ соғлом болалар билан бирга ўқишга қийналардим. Бу ердаги ўқитувчилар бори тавсиялар беришди. Ҳозир барча фанлардан аъло баҳолар олиб, ўқишни давом эттиряпман.

Маҳбуба ХАЛИПОВА,
Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи оғиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси

Инсонларнинг эртанги кунга ишончини оширишни хоҳлайман

Президентимиз билан суҳбат чоғида кўнглимдаги кечинмаларим, орзуларим ҳақида сўзлаб бердим. У киши муддатидан олдин хоҳлаган олий таълим муассасасига киришимга имконият яратиб берилишини айтди. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Самарқанд давлат университетидида ўқиб, психолог бўлмоқчиман. Чунки инсонларнинг кечинмалари, муаммоларини тинглаб, уларнинг эртанги кунга ишончини оширишни, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беришни хоҳлайман. Бу муассасага Бахмал туманидан

келганман. Ойлада 6 фарзандимиз. Раҳматли отам ўқитувчи эди. Ҳозир онамнинг ёлғиз ўзи бизни катта қиляпти. Опам Самарқанд давлат университетидида таҳсил олган. Унинг ҳам қўзи оғиз, Бахмал туманидаги 18-мактабда ишлайди.

Ота-онам кўзимни даволатиш учун шифокорларга неча бор кўрсатди, ҳатто операция ҳам қилдирди, аммо туғма катаракта ташхиси қўйилди. Кўзим тузалишига умид йўқлигини билганимда жуда қийналдим. Бу мактабда биз учун барча шароит мавжуд. Аиникса, меҳрибон ва билимли устозларимиз кўмаги катта далда бўлмоқда. Кўзи оғизлар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаларида қатнашиб, 6 мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Бу йил 10-17 июль кунлари Францияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлланма олдим. Ҳаяжондан, биринчи ўринни олишни ният қиляпман. Ўзбекистон номини, байроғимизни юксакларга кўтариб келмоқчиман.

Дурдона ЖУМАНОВА,
Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи оғиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси

Бизга насиб этган бахт

Бугун 35 миллион аҳоли орасида Президентимиз билан учрашув бизга насиб қилди. Шуларнинг ичида 10 миллиондан зиёди талаба-ўқувчи ёшлар бўлиб, айнан бизнинг мактабимиз танлаб олингани бошимизни кўкка етказди. Қувончимни оддий сўзлар билан таърифлаб беролмайман.

Давлатимиз раҳбарининг қўлини ушлаб, табригини эшитдик. Бу барчамизга куч ва мамнунлик бағишлади. Президентимиз келажақда ўзимиз истаган ўқув юртига киришимизни, уни тугатган эса, иш билан таъминланишимизни таъкидлади. Биз, ёшларга ўқиб давомиди бундан кейин ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтди. Келажақда математика ва информатика йўналиши бўйича ўқишга киришганим. Ҳатто магистратура, докторантурада ўқишни давом эттиришни олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Энг катта орзуларимдан бири — чекка ҳудудларда, назардан четда қолиб кетган қишлоқларда ҳам кўзи оғиз болалар учун мўлжалланган ўқув марказлари ташкил қилиб, у ердаги билимга чанқоқ ёшларга дарс бериш. Мактабимизда математика тўғрисида мавжуд. Бу каби тўғрақлар, дарслардаги қизгин баҳслар орқали метематикага меҳрим ортиб боради. Турли мисол ва масалаларни завқ билан ишлайман. Келгусида шу фан бўйича юксак марраларга эришаман. Ахир, бугунги ҳаётни информатикасиз тасаввур қилиб бўлмайди-да.

Қашқадарё вилоятида катта оилада туғилганман. Мен каби қўзи оғиз яна икки укам бор. Бир укам шу мактабда ўқийди. Утган йили Республика мусобақасида илк голибликни қўлга киритди.

Одина ШОВДИРОВА,
Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи оғиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси



Кечаси билан ухлолмай чиққаним сабаби

Президентимиз билан кўришни тасаввур қилолмасдим. Кечқурун бу хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳаяжоним ичимга сиғмади. Кечаси билан ухлолмай чиқдим, бобомиз биз билан кўришармикан, мактабимизга келармикан, деб ўйладим.

Эртаси кун Президентимизга олган муқофотларим, совринларим, орзуларим ҳақида сўзлаб бердим. Голиблик шоҳсупасига кўтарилсам, ғалабамни сизга бағишлайман, деганимда Президентимиз жуда хурсанд бўлиб кетди. “Агар чемпион бўлсанг, сени Тошкентга қақириб, ўзим тақдирлайман”, деди.

Ҳозир 11-синф ўқувчисиман. Шашка бўйича 2 қарра Ўзбекистон чемпиониман. Келгусида Самарқанд давлат чет тиллар

институтига ўқишга киришганим. Тил ўрганишга жуда қизиқаман, ҳозир инглиз тили бўйича тайёрланганим. Энг катта орзум — ўқишни битирганимдан кейин туғилган жойим — Тайлоқ туманида ўқув маркази очиб, хорижий тиллардан дарс бериш.

Мусурмон ҲАСАНОВ,
Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи оғиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси



ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Маҳалла энг қўйи тизим ва бу ерда аҳолининг бор дарду ташвиши, турмуш шароити кўзгудагидай акс этиб туради. Соҳадаги 16 йиллик тажрибамдан шу хулосаларга келдим. Яқинга қадар маҳалла раиси шу ҳудуднинг бутун оғирини елкасида бир ўзи кўтаришга мажбур эди. Кун бўйи маҳалладаги аҳолининг муаммоларига ечим топиб, ярим тунгача мажлисларда қатнашишга, яна тонг саҳардан газ, “свет” пулини териб, солиқ йиғишга ёрдамлашишга ҳам мажбур эди.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САОДАТИ

Саодат АЛЛАЁРОВА,
Булунгур туманидаги “Мингчинор”
маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Ҳозирги кунда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси лавозимларининг жорий этилиши бизларга катта мадад ва таянч бўлди. Улар, биринчи навбатда, ёрдамга муҳтож оилалар аъзоларини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар, деҳқон ҳўжалиги учун ер майдонлари ажратилишида қамарбаста бўла бошлади. Фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам янги-ча ишлаш руҳи кириб келяпти.

Президентимиз Жомбой туманидаги “Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувда шу мазмундаги фикрларимни эшитиб, “16 йил ишлаган бўлсангиз, пахтага чиққансиз, электр энергиянинг пулини тергансиз, коммунал тўловларга ёрдам бергансизлар... Сиз шунча йил давомиди буларнинг барининг гувоҳи экансиз”, — деди.

Давлатимиз раҳбаридан шундай гапларни эшитиш, меҳнатимизнинг эътироф этилиши аслида ҳар қандай муқофотдан аъло туради. Ҳақиқатан, аввал бирорта хонадонга кирганимизда кредит сўрашса ваъда қилолмасдик, чунки банклар сарсон қилаверганидан кишилар уни олишдан воз кечи кетарди. Ҳозир маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан бемалол кредит ажратилляпти. Шароит ва имкониятдан, қизиқишдан келиб чиқиб, хонадонларда паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, қуёнчилик тармоқларини кенгайтиряпмиз. Янги тизим фаровонликка хизмат қилади, жамиятни, аҳолини қийнаётган муаммоларни ичида юриб ўрганиш билан бу масалаларга ечим ҳам топиляпти.

Узгаришлар тўғрисида маҳалламиз идорасининг ёнида ошхона, майиш хизмат уйи,



ҳаммом, спорт мажмуаси фаолият юритмоқда. Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан биргаликда хонадонларда аҳолининг қизиқишларини ўрганиб, янги лойиҳаларни амалга оширишга киришганимиз.

Президентимиз билан учрашув асносида бир олам дардларимиз енгиллашди. У киши бизни қийнаётган муаммолар моҳиятини, маҳаллага нималар лозимлигини ҳар томонлама таҳлил қилиб берди. Жўдаям самимий руҳда ўтган суҳбат биз қаби катта авлод вакиллари, ёрдамчи ва етакчи сифатида энди иш бошлаган ёшларнинг кўнглини кўтарди. Ишончим қиммат, унда иштирок этган ҳар бир фидойи ҳодим ўзига қамиди бир неча йилга етадиган гоиларни олди. Уларнинг амалга оширилиши маҳаллалар фаолиятини тубдан ўзгартиради.

Давлатимиз раҳбари бизга ишонч билдирди, кенг имкониятлар яратиб берляпти. Биз ҳам аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, одамларнинг розилигига эришиш учун астойдил меҳнат қиламиз.

ҲАР БИР ЁШНИНГ ҚАЛБИГА КИРИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК

Маҳалла — ватан ичидаги кичик ватан. Бу ердаги ёшларнинг ишончли ҳамкори, суяничи, маслаҳаттўй дўсти бўлиш масъулиятли вазифа. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жойларда ёшлар етакчиси лавозими таъсис этилди.



Фаррух АБДУЛЛАЕВ,
Жомбой тумани “Деҳқонобод”
маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси

Тўрт йилдан буён Жомбой туманидаги 18-умумтаълим мактабидида тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб келаман. Янги тизим ишга тушгач, Деҳқонобод маҳалласи ёшлар етакчиси сифатида иш бошладим. Дастлаб хонадонма-хонадон юриб “Ёшлар баланди”ни шакллантирдим. Биласизми, ҳар бир йигит ва қизда интилиш ва қизиқиш бор. Фақат кимки тўғри йўналишни танлай билса, албатта, ўзи ёқтирган соҳа ёки касбнинг етук мутахассисига айланади.

Ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш учун мавжуд муаммони бевосита маҳалланинг ўзида ҳал этиш, шунингдек, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш зарур.

Бизнинг зиммамизга юрт келажаги — ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашишдек муҳим вазифа юкланган. Демак, шунга монанд ҳаракат қилишимиз зарур. Яна бир муҳим томони, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан

тизимли ишлашни йўлга қўйиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашиш ҳам чуқур таҳлилни талаб қилади. Бунинг учун ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир ёшнинг “юртига кириб боришимиз” керак.

Жомбой туманидаги барча маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари тайинланган. Президентимиз жорий йил 10 февраль кун Самарқанд вилоятига таширифи чоғида биз билан дилдан суҳбатлашди. Маҳалладаги ўрганиш натижалари, муаммоларни ҳал этиш учун ўз олдимизга қўйган режаларимизни сўзлаб бердик. Давлатимиз раҳбари фикрларимизни эшитиб, ишларимиздан мамнун эканини таъкидлаганида, шижоатим ва ўз вазифамга меҳрим янада ортди. Билдирилган ишончни оқлаш учун, катта мақсадларни белгилаб олдим. Ўзим фаолият юритаётган маҳаллани энг намунали масканга айлантиришга ҳаракат қиламан.

Президентимиз “Сизлар бизнинг олтин заҳира кадрларимиз бўласизлар. Келажақда иш самарасига қараб, сизларни тўғридан-тўғри раҳбарликка ҳам тайинлаймиз”, деди. Бу ишонч ҳаммамизга катта куч беради. Ҳозирги кунда спорт, китобхонлик мусобақаси, “Заковат” интеллектуал ўйини, маданият ва санъат йўналиши бўйича бадий дастурлар ташкил этияпмиз.

Президентимиз туманимиздаги маҳаллаларда ёшларга спорт билан шугулланиш учун етарли шароит яратилишини айтганида жуда қувондик. Ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига қаратилган эътибор, мамлакатнинг жадал ривожланиши, халқнинг муносиб турмуш шароитида яшashi — буларнинг барчаси бир-бирига чамбарчас боглиқ. Бу йил Жомбойда маҳаллабай тизими орқали тадбиркорлигини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун 62 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 4,5 миллиард сўм субсидия ажратиб белгилангани туманимиз ёшлари учун катта имконият. Бундан ўринли ва мақсадли фойдаланиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшамиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

БОҚИЙ МЕРОС

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби тарихий шахслар тарихда тез-тез дунёга келадиган ҳарбий ва сиёсий арбоблар сирасига кирмайди. Фақат бу жиҳатдангина эмас, Парвардигор назар солган қомусий илмлар соҳибни экани билан ҳам у беназир зот эди. Қолаверса, унинг ота томонидан буюк Соҳибқирон Амир Темур силсиласига туташлик борки, бу ёш Бобурни юксак марралар сари боришга ундарди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон ҳарбий санъатига қўшган ҳиссаси ҳам жуда катта.

Президентимиз Қуролли Кучлар мавзусидаги чиқишларида буюк саркардалар бўлмиш Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий санъати, жангу жадаллардаги жасоратларини оддий жангчи аскардан то генералларгача эгалламас эканлар, ватанга садоқат руҳи улар қалбида уфуриб турмас экан, ҳар қандай замонавий қуроллар ҳам асло наф бермаслиги ҳақида бир неча бор таъкидлаган. Бу борада давлатимиз раҳбари юз қарра ҳақ.

Бобур — БУЮК САРКАРДА

ёҳуд жаҳон ҳарбий санъати ривожига ҳисса қўшган улкан ғалабалар



Жумабой РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети
ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси
профессори

Тараққий этган мамлакатлар ҳарбий академия ва ҳарбий олий ўқув юртиларида бу улуг бобокалонларимизнинг ҳарбий санъати жуда чуқур ўргатилади. Афсуски, кўп йиллар давомида юртимизда уларнинг жаҳон ҳарбий санъатини ривожлантиришдаги хизматлари қарийб ўрганилмай келди. Ҳарбий тарихни салкам қирқ йилдан буён ўрганиш ва кўп жиҳдди асарлар тайёрлаш жараёнида, афсуски, ушбу буюк саркардаларимизнинг ҳарбий санъатидан, стратегиясидан кўп ҳарбийларимиз беҳабар эканига гувоҳ бўлганман.

Шу боис, “Тарих сабоғидан неки олибсан, Имон гавҳарини дилга солибсан” ҳикматига риоя қилиб, ўн икки ёшдан жанг майдонларида от суриб, дунё тарихига ўз оптин саҳифаларини ёзган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек буюк саркарда ва давлат арбобининг ҳарбий салоҳияти қай ҳолатда очилиб бораётганига бир назар ташлашни айни мудоао, деб билдик. Бу сабоқлардан ҳар бир ёш, айниқса, ҳарбийлар ўз хулосаларини олиши зарур.

Жанг майдони ҳаёт ва ўлимни бир-бири билан учраштирадиган, қон талаб қиладиган ҳудуд. Бобурнинг бутун ҳаёти шундай хавф-хатарга лиммо-лим тўла майдонда кечди, ҳатто бир паслик ижод ҳам шу майдон билан боғлиқ бўлди, яъни бир қўлда қилич, бир қўлда қалам унинг жанговар қуроли бўлди.

Муҳораба майдони унга адолат ва ҳақиқат, ор-номус учун кураш қароргоҳи вазифасини ўтади. Биринчидан, Бобур Мирзога қарши жанг қилувчилар гоё тазрибали бўлсалар, иккинчидан, унинг ёнидагилар орасида тоши оғир келган тарафга истаган пайдада ўтиб кетишга шай ҳиёнаткорлар ҳам кўп эди. Ҳатто бундай одмлар қариндошлари орасида ҳам етарлича эди.

Бундай аччиқ қисматнинг заҳарли шаробларини Бобур Мирзодан кўп тортган одам кам топилади. Устига-устак, Бобурнинг Соҳибқирон бобоси пойтахтини эгаллаб, тўғиб кетаётган салтанатни сақлаб қолишига амаки, тоғавачча, ҳолаваачча темирйўздорлар ҳам тўқинчилик қилган.

Бундай ёш, навиҳол, келажаги буюкликдан нишон кўрсатиб турган ёш Бобурни Шайбонийхондек қудратли ҳукмдор чангалидан олмас Хонзодабегимнинг жонфидалиги, Ватанга садоқати кўтариб қолди. Зеро, унинг Шайбонийхонга турмушга чиқиш тегириклари бундан кейин сиёсат майдонида қолиш-қолмаслигини белгилайдиган муҳим ҳодиса сифатида кўрилади.

Бобурнинг буюк воқеалар билан боғлиқ кетадиган улуг саркардалик, буюк давлатчилик фаолиятининг кўнба-кун юксалишини айнан Хонзодабегим таъминлади. Халқимиз бугун ва ундан кейин ҳам Хонзодабегимнинг ушбу жасоратини гурур билан эсга олади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандни эгаллаб, Мовароуннаҳрда бобоси Амир Темур тузган салтанатни қайта барпо қилиш (бу пайтда ушбу ҳудуд майда ҳукмдор ва ҳокимликларга ажратилиб бўлган эди) учун уч маротаба уриниб кўрди, аммо бу уринишлар, афсуски, муваффақиятсиз чиқди. Шундан сўнг Бобурнинг Мовароуннаҳрда тегириклари салтанатини сақлаб қолиш умиди ўзилиб, оти жиловини дастлаб Кобулга бурди. Кобулни 1504 йилда эгаллаб, у ерда мустақамланиб олгач, бутун кучини келгусида давом этадиган юришлар учун сарфлашга киришди.

Кўчлари қудратини ошириш йўли сифатида Қандаҳор вилояти ишғолини кўрди. Элчисининг Қандаҳор ҳокими ака-ука Муқим ва Шохбек томонидан қароратомуз кўтиб олиниб, Бобур номига белсандарча мактуб йўллангани бу юришни тезлаштирди. Бобур Мирзо қўшинини илк ҳарбий ислоҳ қилишни мақсуд қилиш олдидан амалга оширганини “Бобурнома”да қайд этган: “Ҳеч вақт бунча тартиб ва интизом билан саф тўзмасдим. Ҳосса тобинга (бу шохнинг махсус баҳодирлардан иборат ҳарбий қисми бўлиб, уни бемалол Бобурнинг янги ташкил этган миллий гвардияси дейиш мумкин — Ж.Р.) қўлидан иш келадиган йигитларни ақратиб олган эдим: ўн-ўн, эллик-эллик қилиниб, ўнбоши ва элликбошини тайин қилдим. Ҳар ўн ва эллик ва сўл қўлларда турар ерларни билиб, уруш

Али, Аҳмад Элчи бўға барлос, Сайид Хусайн Акбар, Миршох Қавчин ўз лашкарий қисмлари билан саф олдилар.

Ғул (марказ)да Бобур Мирзонинг энг ишончли улугбеги ўнг тарафиди Қосим Кўкалдош, Султон Муҳаммад дўлдой, Шохмаҳмуд парвоначи, Қўл Боязид баковул, Камол шарбатчи, сўл қўлида эса Хожа Муҳаммад Али, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзо, Хонқули, Вали хазиначи, Қўтлуғ Қадам қоровул, Мақсуд сувчи, Бобо Шайх лашкарий фавжлари жой олдилар. Ғул (марказ)да Бобур Мирзонинг ҳарбий кишилари эмас, унинг хос амалдорлари жойлашди. Ироғулда Носир Мирзо, Сайид Қосим эшиқоға, Муҳиб Али қўрчи, Бобо ўғли Олловерган туркман Шерқули ва Муҳаммад Али каби жанг кўрган сардорлар фавжлари урин эгаллайдилар.

Бундан ташқари, шундай жанговар ҳарбий қисмлар ҳам бор эдики, уларга бошчилик қилувчилардан бирортаси ҳали сардор ёки бек даражасига кўтарилмаганди. Уларнинг ҳарбий мавқега кўтарилиши бўлажак жангу жадалларда кўрсатадиган қарамонлиги, баҳодирлиги, ҳарбий тadbриқига қараб белгиланарди. Уларга шундай синовлардаги муваффақиятига қараб, ҳарбий унвонлар, амаллар бериларди.

Шунинг учун ҳам бу каби жангчиларнинг тақрибаси етарли эмаслиги ҳисобга олиниб, улар заҳирасида сақланиб, Бобур Мирзо қароргоҳини ҳимоя қилишган. Булар ўн бир лашкарий қисмдан ташкил топган эди. Уларнинг ҳар бирига бошчилик қилинган. Қандаҳор ҳокими Муқим ва Шохбекда ўн минг атрофида қўшин мавжуд бўлиб, унинг ярмини Шохбек бошқарарди. Ака-ука ғанимлар оддий сафланмиш, яъни ўнг ва чап лашкарий қисмлар ҳолатида жанг қилишни афзал қўрдилар. Шохбек ва Муқим қўшинлари Бобур Мирзо қўшини чап қанотини янчиб ташлаш учун ёлпасига шиддатли ҳужум уюштириб, ташаббусни қўлга олишга зўр бериб уриндилар. Қосимбекнинг жаҳонгори бу ҳужумни қайтариб туриши амримаҳоллигини билдириб, Бобур Мирзодан ёрдам сўраб хабаргир жўнатади. Унга

ШУ ТАРИҚА БОБУР МИРЗО ҚАНДАҲОР УЧУН
ХАЛИШАК ЖАНГИ ОЛДИДАН ҚЎШИННИН
ЖАНГОВАР ЯСОЛ ТАРТИБИДА ЖОЙЛАШТИРДИ. ЯЪНИ БАРОНҒОР
ЎНГ ҚАНОТДА МИРЗАХОН, ШИРИМ ТАҒОЙИ, ЁРАҚ
ТАҒОЙИ, ЧАЛМАМЎҒУЛ, АЮББЕК, МУҲАММАДБЕК,
ИБРОҲИМБЕК, АЛИ САЙДИМ, СУЛТОН АЛИ ТЕНГҚУР
ЁР-ДЎСТЛАРИ БИЛАН, ХУДОБАХШ ВА АБУЛҲАСАН
БОШЧИЛИГИДА ЎНЛИК, ЭЛЛИК ГУРУҲЛАР САФНИ
ЭГАЛЛАЙДИ.

пайтда қиладиган ишларини аниқлаб, ҳозир ва назор эдилар. Ўнг қанот, сўл қанот ва ўнг қўл ва сўл қўл, ўнг ён ва сўл ён жадал осплангач, хабарчи лашкар қисм ҳам қийналмай тайинланган ерга томон юра бердилар.

Гарчи, баронгор (ўнг қанот) ва ўнг қўл, ўнг ён ва ўнг сўзларининг маъноси бир хил бўлса-да, лекин сўз ўзгариши билан ҳар хил маъно беради. Чунончи, баронгор ўнг қанот ва чап қанот жаҳонгор маъносиди майдона ва майсарга, жанговар сафининг маркази ғул тарихида эмас. Бу нав жанговар саф ўша истилоҳ маъносиди баронгор ва жаҳонгор дейилади. Ғул сафининг ўнг ва чапини фарқ қилиш учун ўнг қўл ва сўл қўл деб айтилади”.

Шу тариқа Бобур Мирзо Қандаҳор учун Халишак жанги олдидан қўшинини жанговар ясол тартибидида жойлаштирди. Яъни баронгор ўнг қанотда Мирзахон, Ширим тағойи, Ёрақ тағойи, Чалмамўғул, Аюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Сайдим, Султон Али тенгқур ёр-дўстлари билан, Худобахш ва Абулҳасан бошчилигида ўнлик, эллик гуруҳлар сафни эгаллайди.


Жанонгор (чап қанот)да Абдураззоқ Мирзо, Қосимбек, Тангриберди, Қанбар

ҳеч қандай ёрдам бериш имконияти йўқлиги айтилади. Чунки Бобур Мирзонинг ғул ва ўнг қанот қисмлари ҳам ғанимга қарши оғир шароитда жанг қилаётган эди.

Ахволни ўнглаш мақсадида Бобур Мирзо тавассал қилиб, ўз ғўлини қарши ҳужумга бошлайди. Бу пайтда Муқимнинг ҳужумини тўхтата олмаган, ўнг қанотга чекинаётганди. Бобур қароргоҳда ҳимояда турган ўн бир фавж қўшинини ҳам жангга қиритиб, ҳужумини янада авж олдиришга эришади. Буни кўтмаган ғаним сафи парокандаликка юз тўта бошлайди. Шу лаҳзаларда оғир ахволда қолган Қосимбек бошчилигидаги чап қанот ҳам чекиниб, қўлай табиий маррада мудофаага ўтиб, душман кучларининг катта қисмини банд қилди.

Бу имкониятдан фойдаланган Бобур марказ ва ўнг қанот ҳужумларини янада кучайтириб, душманга катта талафот етказиб, уларни тартибсиз тарзда қочишга мажбур қилишга муваффақ бўлади. Шундан сўнггина Бобур Мирзо Қосимбекка ёрдамчи кўчлар жўнатиб, уни оғир вазиятдан қутқаради.

Натижада жанг Бобур Мирзо қўшини ғалабаси билан тугаб, Қандаҳор қўлга кири-



тилди. Ака-укалар қалъадаги бор бойлиги ва ойласини ҳам қолдириб, ҳаётларини сақлаб қолиш учун Шохбек Мастўн тарафга, Муқим эса Замини Доварга қараб қочишдан ўзга чора тополмайдди. Шу тариқа Бобурнинг жанг арафасида ўтказган илк ҳарбий ислохоти ўзини оқлаб, ғалабани таъминлади. Бобур Мирзонинг ҳарбий саркардалик маҳорати очила бориб, бу истеъдод Иброҳим Лўдий ва Рана Санга каби энг қудратли ҳинд ҳукмдорлари билан бўлган жангларда янада сайқал топи ва ўз қўққисига қичди.

Дехли султони Иброҳим Лўдий ўша пайтда Ҳиндистондаги ҳукмдорларнинг энг қудратлиларидан бири эди. Унинг ўз қўшинини истаганча тўлдириш, жанговар филлар, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа билан етарлидан ортик даражада таъминлаш имконияти жуда катта эди. Шундай қудратли дўшманга эс сонли қўшин билан қарши бориш ақлбозар қилмас ҳолат ҳисобланарди. Қўшинлар сони ўртасидаги улкан нотенгликда ўтган бундай тўқнашув Чингизхон ва Жалолиддин Мангуберди ўртасидаги Нилаб жангидан бери жаҳон ҳарбий тарихида ҳали қайд этилмаганди.

Бирок кўрчинли тафовут Бобурни жангдан қайтара олмади. Дастлаб у орқа томоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун жангари қавмларнинг баъзиларини қилич билан тобе этди, айримлари билан сулҳларварлик дипломатияси орқали муро-са-мадора қилди, иттифоқлашди, ҳатто ийрик қабилла сардорига суюқли кўёе тутинди.

Шу билан бирга, Халишак жанги олдидан бошлаган ҳарбий ислохотини шиддат билан давом қилдириб, ўз даврининг энг замонавий қуролланган қўшинига эга бўлди. Асосий эътиборни лашкар сонини тинимсиз кўпайтиришга эмас, унинг жанговар шайлигини ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, аскарларнинг қуроллардан моҳирона фойдаланишига эришишга қаратди. Қўмондон ва амирларга жангчиларни ақл-идрок билан жасурана майдонда жангга тайёрлаш ва муҳорабага олиб кириш ҳамда шу жараёнда қўшинга намуна бўлиш, жанг жараёнидаги вазиятни ҳисобга олиб, мудофаа ва қарши ҳужум тактикаларидан оқилона фойдаланиш, жангини ғалаба билан таъминлаш талаби қўйилди. Қолаверса, Бобур ғаним ҳақида илоҳи борица мукаммал разведка маълумотлари олишининг аҳамиятини чуқур англаб, душман қўшини, унинг қўмондонлари, суворий, пиеда кучлари, интизом даражаси, ҳаракат йўналиши ва заҳираларига оид тўлақонли ахборот йиғишга интилди. Айниқса, душманнинг юқориорқ даражали зобитларидан “тил” ушлаб келишни разведканинг асосий вазифаси қилиб белгилар экан, уларнинг сафига уздабурон, тадбир қўллашга моҳир, ўта доворак пахлавон жангчиларни сафарбар этди. Улар душман қўшинининг жанговар хатти-ҳаракати ва ҳолатларига доир ҳеч нарсани, ҳатто ўта махфий пис-

тималарни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим эди. Бундай тадбирлар лашкар хавфсизлигини ҳушёрлик билан таъминлашга хизмат қиларди.

Бобур қўшини замонавий, яъни ҳали ҳиндларда мавжуд бўлмаган артиллерия ва ўточар милтиқ билан қуроллантирилиши унинг ҳарбий устунлигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирларидан бири бўлди. Бу жиҳатдан Бобур фан, илм-маърифат кучидан фойдаланиш борасида новатор, янгилликка интилувчи донишманд шох сифатида кўринади. У ҳинд диёрига юриши олдидан қўшинини XVI аср бошларидаёқ Европа услубидаги замонавий милтиқлар ва тафаккурдаги қуроллантиришга эришди. Бу ҳарбий ислохотларнинг ижобий натижаси эди.

Лашкари сон жиҳатдан Иброҳим Лўдий қўшинидан ўн баробар камлигига қарамай, асосий жанг бўладиган Панипат шахрига Бобур 1526 йил апрель ойининг иккинчи ҳафтасида етиб келди ва ҳал қилувчи тўқнашувга тайёргарлик қўришга жиддий киришди. Ҳиндларнинг суворий, пиеда ва мингдан ортик жанговар фили, жами 150 минглик лашкари билан бўлажак жанг Бобурнинг ҳарбий санъати ва тафаккуридаги даҳоллик қирраларини очиб берди.

Бобур жангга тайёргарлик давомида кечаю кундуз чуқур хандақлар қазирди. Улар мингга яқин арава ип ва занжирлар билан мустаҳкам боғланди. Аравалар орқасида Устод Алининг тўпчилари, улар ортидан эса Мустафонинг милтиқли ва зарбзан қисмлари олдинча-кетин жойлаштирилди.

Қолган суворий ва пиеда қисмларни Бобур 21 апрелда эрта саҳарда ясол тартиби асосида Панипат майдонида жанговар саф олдилар.

Шу тариқа душмanning асосий кучи Панипат майдонига кириб келганда Бобур бўйруғига қатъий амал қилган саркарда ва беклар саросимага тушмай, пиеда, суворий, тўпчи ва милтиқли қисмлари билан душмани кўтиб олишга шай бўлиб турдилар.

Ўнг қанотга шахзода Ҳумоюн қўмондон, Хожа Калон, Султон Муҳаммад дўлдой, лашкарбоши Хиндубек, Вали Ҳозин ва Пирқули Сейистоний унга ёрдамчи саркардалар қилиб тайинландилар. Чап қанотда Муҳаммад Султон Мирзо, Маҳдий Хожа, Одил Султон, Шох Мир Ҳусайн, Султон Жунаид барлос, Қўтлуққадим ва Муҳаммад Бахши ҳарбий қисмлари жойлашди. Марказининг ўнг тарафидан эса Чин Темур, Сулаймон Мирзо, Муҳаммадий Кўкалдош, Шайх Мансур барлос, Юнус Али ва бошқа қисм ҳамда саркардалар урин олдилар.

Қўшиннинг айқоқчилик хизматиини бажарувчи ироғул гуруҳига Хисрав Кўкалдош ва Муҳаммад етакчилик қилдилар.

Чап қанот четига эса тўлғама (ғаним қўшинини айланиб ўтиб, орқа томонига зарба берувчи қисм) сардорлари қилиб Қароқўзи, Абдумуҳаммад найзабоз, Шайх Жамол барин, Маҳдий ва Тенгриқули Пишга мўғул каби сардор ва беклар қўйилди. Ўнг қанот тарафдан ҳам тўлғама қиладиган махсус қисмлар ажратилди.

Иброҳим Лўдийнинг ҳужум ёки мудофаада турлиб жанг қилиш режасини пухта тўза олмади, энг долзарб вақтини қўлдан бериб иккиланганидан Бобур унумли фойдаланишга қарор қилди.

Худуди шу лаҳзаларда Бобур тўп ва милтиқлардан ялпи ўқ узишга буйруқ берди. Иброҳим Лўдий ғаниб, қатъий бир қарорга кела олмади қолди. Замонавий тўп ва милтиқлар тўрғисига мутлақ тушунчага эга бўлмаган ғаним қўшини ваҳимага тушиб, майдон марказига зич тўплана бошлади. Бу эса Лўдий қўшинининг янада аёвсиз қиррилиши ва ултиқлардан тепалиқлар ҳосил бўлишига замин яратди. Ғаним филлари ҳам бу талотўпдан саросимага тушиб, орқага қочи ва ҳинд қўшинини пайҳон қилиб, гўёки Бобурнинг иттифоқдошлари вазифасини бажариб берди. Бу эса душман ҳалокатини янада тезлаштириб юборди.

Вазиятни ўнглаш учун гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафга ҳужум қилиб, муваффақиятга эриша олмаган Иброҳим Лўдийнинг ўзи ҳам охири-оқибат қурбон бўлди.

Жанг борасида Бобурнинг қуйидаги сўзларидан янада аниқ тасаввур олиш мумкин: “Тўлғамага тайинланган аскарларга ўнг ва чап қанотдагилар ҳам душман билан олишишлари учун фармон бўлди. Тўлғамадагилар душман орқасига ўтиб, ўқ ота бошладилар. Чап қанотдаги Маҳдий Хожа жангини ҳаммадан аввал бошлаб юборди. Душман Маҳдий Хожига қарши бир тўда аскар фил билан бостириб қолди. Лекин Маҳдий Хожанинг лашкарий қисми уларга кўп ўқ ёғдириб, чекинишга мажбур қилди. Чап қанотта марказдан Аҳмад Парвоначи, Турдибек Кучбек ва Муҳиб Али халифа ёрдамга юборилди. Ўнг қанотда ҳам жанг бошланиб кетди. Муҳаммад Али Кўкалдош, Шох Мансур барлос, Юсуф Али ва Абдулло марказдан қўшин олдиди туриб, тўпларни фаронидан олди.

Мустафо тўпчи ҳам марказий қўшинининг чап қанотидаги арава устидаги зарб-зандан яхши зарбалар берди. Ўнг қанот, чап қанот, марказ ва тўлғамадагилар душмани ҳар тарафдан ўраб олиб, устига ўқ ёғдириб, жангини астойдил қизитдилар. Бизнинг жангчиларимиз эса ғаним устига ўқ ёғири-ни ёғдириб, уларни марказ томонга сиқиб келдилар. Душмanning ўнг ва чап қаноти бир ерга тўпланиб қолиб, шу даражада тикилич ҳосил бўлдики, ғаним қўшини на олдига юришга, на орқага қочишга йўл топа олди. Офтоб бир найза бўлиб кўтарилганди урушни тезлаштиришга қақирилди. Тўшгача жанг давом этди. Кун тушга етганда душман енгилди ва қисон қилинди.

Тангри таоло фазли
карами билан бундай
кийин ишни бизга
осон қилди ва шу каби
қўқ сонли лашкар
ярим кунда ер билан
яқсон қилинди. Фақат
Иброҳим Лўдийнинг
ёнидаги бир жойнинг
ўзида беш-олти минг
киши ўлдирилди.
Бошқа ердаги
ўлдирилганларнинг
сонини ўн беш-ўн олти
минг киши, деб тахмин
қилдик. Кейинроқ
Аграда келганимизда,
хиндистонликлардан
эшитишимизча, ушбу
жангда қирқ-эллик
минг киши ҳалок бўлган
экан”.

Бу Бобур эришган буюк ғалаба эди. У Шимолий Ҳиндистон ва унинг марказий ҳудудларининг катта қисмини эгаллади. Аграни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирди. Ўз давлатини шакллантиришга киришди, бобурийлар сулоласига асос солди. Унинг буюк саркардалик макромига кўтарилиш ва жаҳоний миқёсли улуг лашкарбошилар руйхатидан ўрин олишган Иброҳим Лўдий қўшини устидан эришган мислсиз ғалабаси таъминланди. Шунингдек, ҳинд диёри ишғолининг иккинчи босқичидаги ғалабаси эса Осиёдагидан эмас, Африкага Европача қадар акс-садо берди. Рана Санганинг 200 минглик қўшини қақшатқич мағлубиятга учради.

Энди Ҳиндда Бобурихоғра бас кела оладиган на ҳукмдор, на лашкарбоши қолмаган эди. Бу ғалабалари билан Бобур жаҳон ҳарбий санъати ривожига ёрқин ҳисса қўшиб, ўзбек халқининг номини, шонли тарихини Амир Темур бобосидан кейин яна бир бора оламагиди.

Ҳарбий тафаккур кучи, дониш ақлий қуввати, давлатчилик истеъдоди билан темирйилар сулоласининг умрини узайтириб, унинг сиёсат майдонида 332 йил яшаб қолишга йўл очди. Темирйилар сулоласининг узвий давомчи сифатида бобурийлар номи билан жаҳон тарихи саҳифаларини бебади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун оубонни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 374.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.
85881 нусхада босилди.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:26 Топширилди — 23:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz